

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Д. Анваров	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
М. Жўраев	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....	170
З. Раҳимов, Д. Гуломов	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
М. Ғаниев	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривож.....	176
М. Хамидов	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар	180
Р. Умурзаков	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи	186
И. Саймуратова	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи	190
Д. Тўраева	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар	195
Н. Бўриева	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
Н. Ҳамраев	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари	204
Х. Убайдуллаев	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида	208
М. Батирханова	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
Ш. Хасанова	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
Г. Турдиева	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
Л. Галимуллина	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг рамзий аҳамияти.....	221
Н. Гофурова	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи	226
У. Маҳмудова	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида	229
З. Акбарова	
Концепт ва лисоний онг	233
З. Тожиматова	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
Х. Хусамбоева	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти	238
	ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
Адабиётимиз фидойиси	241

Жумладан, олимнинг “Ўзбек романи поэтикаси” (сюжет ва конфликт) мавзусидаги докторлик диссертацияси бу борада алоҳида қимматга эга.

Ассоциатив сюжет асосига қурилган асарларда, - деб ёзади адабиётшунос А.Раҳимов, - асосий сюжетни воқеалар оқими эмас, қаҳрамоннинг ташқи ҳодисаларга реакцияси, ассоциациялари, шу муносабат билан унинг онгида, қалбида оққан кечинмалар, ўй-хаёллар, хотиралар силсиласи ташкил этади” [5,107-108].

Ассоциатив сюжетда хотира ва тасаввурга кенг ўрин берилади. Ҳикоячилик вазиyasi персонажа юкланиб, муаллиф тингловчига айланади. Воқеалар хотиралар, тасаввурлар воситасида кечади, бу эса табиий ҳолда ривоя жараёни, асарда содир бўлётган воқеалар тасвирини, ҳикоя характерини ўзгартириб юборди. Сюжетнинг бундай қурилиши, Г.Маркеснинг “Ҳокими мутлақнинг ҳаёт шои”, М.Шолоховнинг “Инсон тақдири”, А.Чаковскийнинг “Ғалаба”, Н.Думбадзенинг “Абадият қонуни” сингари асарлар учун характерлидир.

Ассоциатив сюжетнинг заминини ташкил қилувчи тасаввурлар оқими XX аср бошларида – М.Пруст (“Йўқотилган вақтни излаб”), Ж.Жойс (“Улисс”), М.Горкий (“Клим Самгимнинг ҳаёти”) каби кўп томли монументал асарларда кашф этилди [5,114].

Сюжетнинг бундай қурилиши хусусиятлари Ч.Айтматов “Асрга татигулик кун”, Ойбекнинг “Болалик”, “Қутлуғ қон”, О.Ёқубовнинг “Кўҳна дунё”, С.Анорбоевнинг “Умр”, Мурад Муҳаммад Дўстнинг “Галатепага қайтиш”, С.Айнийнинг “Қуллар”, А.Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда”, “Чинор”, П.Қодировнинг “Мерос”, М.Мансуровнинг “Мангу жанг”, Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик орасида”, Ў.Умарбеков “Ёз ёмғири” сингари асарлар учун характерлидир.

Ассоциатив сюжет асосига қурилган романлар конфликтда ҳам бир мунча ўзига хосликни кўришимиз мумкин. Эндиликда,

қаҳрамонлар онгида туйғулар кураши, ички коллизиялар шаклида берилади.

А.Раҳимов таъкидлаганидек, “конфликтни қаҳрамон онгида кечган қарама-қарши туйғулар кураши ёхуд қарама-қарши кучлар курашининг қаҳрамон қалбида аксадоси сифатида бериш ассоциатив романлар учун характерли хусусиятлардандир” [5]. Дарҳақиқат, А.Қодирийнинг “Уткан кунлар” романидаги Отабекнинг, Ў.Умарбековнинг “Ёз ёмғири” қиссасидаги Раҳим Саидовнинг, “Одам бўлиш қийин” романидаги Абдулланнинг онгида кечган туйғулар кураши, қалбида ўтган кечинмалар тўқнашуви бунинг исботидир.

Доимий ривожланишда бўлган жанр – романда, эндиликда, асосий сюжетни воқеалар оқими эмас, ундаги персонажларнинг ташқи муҳитга нисбатан муносабати, реакцияси, унинг натижасида қалбида пайдо бўлган хис, кечинма, туйғулари, онгида пайдо бўлган ўй-хаёллари, қисқача қилиб айтганда, ассоциацияси ташкил этмоқда. Сюжетнинг бу каби инсон ички дунёсига кўчиши шахснинг руҳий оламига қизиқишнинг кучайиши натижаси бўлиб, бу романининг янада таъсирчанлигини, романда лиризмни кучайтирди. Қаҳрамон психологияси юқори планга чиқиб борди. Табиийки, бу романда тасвирланган воқеаларнинг ташқи эпик ҳолатининг йўқолишига олиб келиши мумкин эди, аслида эса аксинча бўлиб чиқди. Ассоциатив сюжет қурилиши роман жанрига воқеаларнинг ташқи эпик ҳолатини ички ҳаракат ёрдамида очишдек катта имкониятни тақдим этди. Натижада, эпик воқеалар ички кечинмалар билан бойиди. Шунингдек, муаллиф ҳам шунчаки кузатувчи бўлиб қолмасдан, тингловчи ва дардқашга айланди. Бу эса ўз навбатида ривоя усулига бир мунча ўзгаришлар олиб келди. Бир овозли ривоя ўрнини полифоник ифода ва тасвир эгаллаб, муаллиф, персонаж ҳикоячилар тили орқали уларнинг ўй-хаёллари, фикрлари, муносабатлари берилмоқда.

Адабиётлар:

1. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М., 1975.
2. Думбадзе Н. Возвращение Одиссея, – Тбилиси, 1983.
3. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D1%81%D1%81%D0%BE%D1%86%D0%B8%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F> (%D0%BF%D1%81%D0%B8%D1%85%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B3%D0%B8%D1%8F)
4. Қаюмов Л. Аср ва наср, – Т., 1975.
5. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси, Филол. фанлари д-ри дис.... – Фарғона, 1993.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).

ЎЗБЕК НАСРИДА ТАРИХИЙ РОМАН ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖИ
ГЕНЕЗИС И РАЗВИТИЕ ИСТОРИЧЕСКОГО РОМАНА В УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ
GENESIS AND DEVELOPMENT OF HISTORICAL NOVEL IN UZBEK PROSE

М.Ғаниев¹

¹ М.Ғаниев

–инглиз тили кафедраси ўқитувчиси, мустақил
изланувчи.

Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётида тарихий роман жанрининг келиб чиқиш асослари ва тараққий этиши кўрсатилган. Жанрнинг вазифалари XX асргача халқ достонлари ва ёзма адабиётдаги достонлар орқали амалга оширилгани, тарихий асар композициясининг назарий асосларини аниқлашда эса Арасту, Гегель, И. Султон, А. Раҳимов, Д.Қуроноф каби олимлар фикрлари асос бўлгани баён этилган.

Аннотация

В статье рассмотрены основы происхождения и развитие жанра исторического романа в узбекской литературе. Утверждается, что задачи жанра до XX века были реализованы с помощью народных сказаний и дастанов в виде письменной литературы, а теоретические основы композиции исторического произведения заложены на основе мыслей Аристотеля, Гегеля, а также узбекских ученых-литературоведов И.Султана, А.Рахимова, Д.Қуронова.

Annotation

The article shows the origins and development of the historical novel genre in Uzbek literature. It was stated that the tasks of the genre were realized through folk tales and epics in written literature until twentieth century, and it determines the theoretical basis of the composition of a historical work, the opinions of scientists such as Aristotle, Hegel, I.Sulton, A.Rakhimov, D.Kuronov were taken as the basis.

Таянч сўз ва иборалар: жанр, роман, тарих, композиция, сюжет, тарихий роман, бадиий асар, образлар композицияси, сюжет композицияси, бадиий нутқ композицияси.

Ключевые слова и выражения: жанр, роман, история, композиция, сюжет, исторический роман, художественное произведение, композиция образов, композиция сюжета, композиция художественной речи.

Keywords and expressions: genre, novel, history, composition, plot, historical novel, work of art, composition of images, plot composition, composition of artistic speech.

Бадиий адабиёт тараққиётининг ички омиллар мавжудлигини эътироф этар эканмиз, адабиёт тараққиётига таъсир ўтказадиган бир қатор ташқи омиллар, хусусан, ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирини ҳам ёдда тутиш лозим бўлади. Зеро, “бир давр адабиётининг ғоявий-мазмуний ҳамда поэтик хусусиятлари, аввало, ўша даврнинг ижтимоий тарихий шарт-шароитлари билан белгиланади” [8; 8]. Шу маънода миллий ўзликни англаш, миллий тарихни ўрганишга муносабат ўзгара бошлагач, бадиий адабиётда ҳам тарихий мавзуларга эътибор кучайди. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларимиз ҳақида кўплаб янги асарлар яратила бошланди. Айниқса, собиқ тузум даврида босқинчи, қонхўр, золим деб тасвирланган Амир Темур образини мустақилликнинг илк йилларида

кўкларга кўтариш, керагидан ортиқ улуғлашга уринишлар бўлди. Бу эса тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима мутаносиблигига, поэтика муаммолари ечими, энг муҳими реал тарихни бадиийлаштиришдаги бадиий ҳақиқат тамойилларига салбий таъсир кўрсатадиган ҳол сифатида баҳоланади.

Инсоният пайдо бўлибдики, ўтган куни, ўтмишидаги ўзи учун муҳим деб билган у ёки бу воқеа-ҳодиса, эсда қолган, ўзига кучли таъсир этган кечмишини ўзгаларга сўзлаб беради, улардан тўғри хулоса чиқаришга, улардан ҳаётини муаммоларга, ўзини қийнаётган саволларга жавоб топишга интилади. Аввало, тарихни қайта идрок қилиш аслида инсонга шунинг учун зарур. Қолаверса, миллий ўзликни англаш, миллий характер ва ўзига хос маънавий қиёфасини сақлаб қолиш учун ҳам тарихий асарлар яратилади. Шунинг учун ҳам инсоният қадимдан бошлаб тарихий воқеаларга

мурожаат қилиб келган. Бу эса тарихий асарларни оғзаки шаклда юзага келиб, кейинроқ ривожланган ва улар турли жанрлар кўринишида тарққиё топган. Айниқса, “тарихий роман” атамаси ва унинг терминологик маънолари, адабиётимизда тарихий роман келиб чиқиши, тараққиёти, бадиий такомиллашуви узоқ тарихга эгалигини алоҳида қайд этиш лозим.

Маълумки, поэтика масалаларининг ўзаги ҳисобланган композиция, сюжет, образ, бадиий тил ҳақидаги илмий-назарий баҳслар қадим замондан бери давом этиб келаётган илмий жараён ҳисобланади. Хусусан, Арасту қуйидагиларни ёзади: “Эпос асарлари оддий тарихларга ўхшамаслиги керак. Оддий тарихларда биргина воқеа тавсифланмайди, уларда бир вақтнинг ўзида юз берган, гоҳо бир-бири билан фақат тасодифий боғланишларга эга бўлган, бир одамнинг ёки кўп одамларнинг бошидан ўтган барча воқеалар тавсифланаверади” [1; 54-55]. Кўринадики, олим тарихий шахснинг бошидан кечиргани акс этадиган асарда композиция бутун бошли воқеалар тизимидан иборат бўлишини таъкидлаган. Бу эса тарихий асар композицион қурилишини оддий баёндан фарқли бўлиши талаб этади.

Бундан ташқари, тарихий асарлар бугунги кундаги каби насрий йўлда эмас балки шеърий усулда ёзилган, бунини Юлий Скалигернинг қуйидаги мулоҳазасидан тушуниш мумкин: «Эпик шоирларда тарих мазмуннинг асоси бўлиб хизмат қилиши кимга маълум эмас? Улар бирини яшириб, бирини безаброқ тарихга, шубҳасиз, ўзгача қиёфа берадилар ва ундан поэма яратадилар» [6; 137-138]. Ўзбек адабиёти тарихида ҳам тарихий асарлар “Гўрўғли”, “Рустамхон” каби туркум дostonлар мисолида ривожланган. Тўғри халқ эпос ва дostonларида тарихий воқеалар кучли бадиий қайта ишловга учрагани сабаб, соф тарихийлик нисбатан камроқ учрайди. Бироқ кенг маънода олсак, улар халқ тарихидаги воқеаларга асосланган дейиш мумкин. Масалан, “Гўрўғли” туркумидаги араб босқинига қарши халқ кураши, қизилбошлилик (эронийлар) босқини каби воқеалар тарихда юз берган. Бахшилар уларни дoston таркибига бадиий қайта ишлаб сингдириб юборган. “Рустамхон” дostonида эса ижтимоий тараққиётнинг

шаҳар-давлат босқинчидага манзара тарихий-маиший воқелик бадиий акс эттирилган. Ёзма адабиёт тараққий этганда эса Алишер Навоий (“Садди Искандарий” – Хусайн Бойқаро), Муҳаммад Солиҳ (“Шайбонийнома”) кабиларнинг дostonларида тарихий воқелик бадиий акс эттирилган. Тўғри уларда муаллифлар замонавий ижтимоий вазият ва мафкурадан келиб чиқишган. Бироқ шундай бўлсада, асарлар тарихийлик тамойилига эга бўлган.

Аслида Арасту эпик асар бадииятини, яъни сюжет композицияси, образлар тизими, бадиий тил қурилишини трагедия билан таққослаб беради. Улар орасидаги фарқни эпосни ҳаётга тақлидидаги ўзгача усули ва тасвир воситалари эканлиги билан изоҳлайди ва эпосни трагедияга эргашувчи деб беради. Аммо эпоснинг ҳам предмети инсон эканлигини айтмайди. Бу адабиётни тушуниш билан боғлиқ жараён бўлиб, ҳақиқий назарий қарашлар нисбатан кейинроқ, аниқроғи Гегель қарашларидан бошлаб қатъийлаша бошлади. Адабиётшунослиқда бадиий асар (жумладан тарихий романни ҳам – М.Ф) бадиияти деганда асарнинг композицион қурилиши, яъни образлар тизими, сюжети, асар тилида инсонни тасвир предметига айлантирилган ҳолда ҳақиқий бадиийлик касб этади, деган тамойил етакчилик қила бошлади. Хусусан, “инсон, унинг асл интилиш ва жонли кечинмаларини фикран мазмундор қилиб тасвирлаш муҳим ўрин тутди. Шунинг учун бу соҳада генийнинг ақл ва ҳис-туйғуси етук, мазмундор ва мукамал асар яратишдан олдин юксак маънавий кечинма, тажриба ва фикр-мулоҳазалар билан бойитилиши ва чуқурлаштирилиши лозим” [2; 24]. мутафаккир бу ерда муסיқий композиция билан поэзияни таққослай туриб, адабиётда ҳар бир деталь, воқеа, ифода инсонни ўрганишга қаратилса асар композицияси мукамал ва етук бўлишини тамойил даражасига олиб чиққан. Демак, роман композициясида ҳам инсон, унинг тажрибаси, кечинмалари теран ифодаланса асар композицияси, умуман олганда эса архитектуроникаси етукликка эга бўлади.

Академик Иззат Султон фикрича “асарнинг турли қисмлари орасидаги мутаносиблик композиция деб аталади. ... Асар композицияси, даставвал, муаллифнинг тасвир этилаётган ҳаёт

материалга муносабати билан белгиланади, яъни композиция биринчи навбатда ғоявий-эстетик тушунчадир ” [4; 124]. Олимнинг мазкур фикрини образ композиция деб англаш лозим. Чунки юқоридаги фикрни изоҳлар экан, олим тасвир марказига XIX асрнинг илғор кишиларини ва уларга ўхшашларни қўйишни қасд этади ва бу ҳол роман мазмунининг бутун композициясини белгилайди, деган фикрни келтиради. Аслида ҳам бадиий асар, жумладан, кенг маънода роман ҳам ҳаётнинг бадиий образи, тор маънода ундаги ҳар бир персонаж образ ҳисобланади. Олим ана шу тамойилдан келиб образлар композициясини асар композициясида биринчи бўлиб келтирган, шундан сўнг баён усули, сюжет ҳам киритади [4; 124-125]. Мазкур илмий-назарий қараш жаҳон адабиётшунослигида ҳам мавжуд бўлиб, замонавий рус назариётчи олимлари ҳам композиция борасида Иззат Султон илгари сурган тамойил доирасида фикр юритишади. Масалан, Е.В.Хализев шундай ёзади: “Бадиий асар композицияси унинг шаклини ташкил этувчи гулчамбардир, бу асар қисмлари, белгиларнинг бирлашган тизими, тасвирланаётган ва бадиий-нутқ воситалари бирлигининг ўзаро муносабати ҳамда мутаносиблигидир.... Унинг мақсади барча қисмларни ғояни тўла ифодалаши учун бир-бирига мослаб жойлаштириш ҳисобланади” [5; 169]. Олимларнинг юқоридаги мулоҳазаларини умумлаштириб қуйидаги хулосага келиш мумкин: композиция бадиий асардаги барча материаллар жойлашувини англаувчи тушунча бўлиб, унда образлар тизими, баён усули ва воқеалар жойлашувининг ўзаро мутаносиблиги ва маълум бадиий-эстетик ғояни ифодалашга хизмат қилиши назарда тутилади. Демак, Д.Қуроноф композицияни образлар композицияси, бадиий нутқ композицияси, сюжет композицияси деганда композициянинг адабиётшунослиқдаги мавжуд вазифаси таснифидан келиб чиққан, дейиш мумкин. Чунки олим бир китобида “асар нутқ сатҳидан бошлаб то бадиий воқелиги қадар ўз қурилиши – композициясига эга. Шунга кўра замонавий адабиётшунослиқда асар қурилишини тадқиқ этишда матн композицияси, сюжет композицияси, персонажлар системаси, бадиий вақт ва замон, ривоя композицияси, нуқтаи назар композицияси каби масалалар

диққат марказида туради”, деб қайд этган [7; 5]. Лекин олим асарнинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб бадиий нуқт композициясини “матн композицияси”, “ривоя композицияси” каби турларга ажратган. Олим келтирган “нуқтаи назар композицияси” эса умумий композиция мазмунига сингдирилган, ёзувчининг бадиий-эстетик, ижтимоий ғоялари тизими назарда тутилган. Чунки ҳар бир тарихий роман ўзида акс эттирилаётган тарихий даврнинг образини ифодалар экан, унда барибир замонавий муаммолар сингдирилган бўлади. Нуқтаи назар композициясида ана шу муаммога ечим берилади. Таҳлиллардан аён бўляптики, бадиий асар композицияси ҳақидаги асосий тушунча сақланиб қолгани ҳолда унинг қўлланиши ва таркиби ўзгариб, фикрларга ёндашиш турли кўриниш олиши мумкин.

Юқоридагилардан маълумки, тарихий романда шакл ва мазмун бирлиги, образ ва образлилик, бадиий тўқима ва тарихий ҳақиқат, ёзувчининг баён услуби, сюжет ва унинг таркибий қисмлари, конфликт ва унинг турлари, бадиий тасвирий ифода ва воситалар, бадиий нутқ, ривоя тарзи каби масалалар ҳақида сўз юритган олимлар айнан асар композицияси ҳақида мулоҳаза билдирган бўлади.

Бугун биз тушунадиган тарихий роман ўзбек адабиётида XX аср бошида А.Қодирий (“Ўткан кунлар”) томонидан яратилган. Кейинчалик Чўлпон (“Кеча ва кундуз”), Ойбек (“Навоий”), Одил Ёқубов (“Кўҳна дунё”, “Улуғбек хазинаси”), Пиримқул Қодиров (“Юлдузли тунлар”) каби асарлар мисолида жанр сифатида бадиий такомилга эришди. Тарихий асар композицияси ва унинг турлари, сюжети, образлар тизими, бадиий асар тили каби масалалар турли даражада ҳал этилган. Лекин мазкур тарихий романларнинг аксарияти собиқ тузум мафкурасига хизмат қилган ёки унинг тарихий шахсларга нисбатан бўлган бир ёқлама қарашларини ўзида намоён этиши мумкинлиги тарихий романлар бадииятига бироз соя солади. Буни ўз вақтида олимлар тўғри баҳолашган. Хусусан, А.Раҳимов мақолаларида қуйидагилар қайд этилган: “романда сюжет ва композиция муаммоларининг кам ўрганилганлиги сабаблари, биринчидан жанрнинг ёшлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, роман узлуксиз ўзгариб, янгиланиб, такомиллашиб